

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ


Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 108 (9.300) 1999 йил 15 сентябрь, чоршанба Сотувда эркин нархда

## ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ АХБОРОТЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Марказий сайлов комиссияси Олий Махлис депутатлари сайловига қатнашишга ижозат сўраб мурожаат этган мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг тақдим этган ҳужжатларини қўриб чиқиб, ушбу ҳужжатларнинг сайлов тўғрисидаги Қонун талабларига тўла мувофиқлигини эътироф этди ва сиёсий партияларга Олий Махлис депутатлари сайловида қатнашишлариغا ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.
- Кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитасининг мажлисида Андижон вилоятида «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилиши қўриб чиқилди.
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Олимлар уйида бўлиб ўтган республика семинарида республикаимиздаги бир қанча жамоат ташкилотларининг маърифий мавзудаги «Буюк Ипақ йўлининг митти инъикоси» деб аталадиган кўнгилочар боғни барпо этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.
- Европа Иттифоқининг «Tacis Tempus» дастури асосида қиймати 52 миң долларлик замонавий техника воситалари Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига келтирилиб, ишлатила бошланди.
- Кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи катта байрам шодивоналарининг марказига айланди. Бу ерда БМТ ҳамда ЮНЕСКО ташаббуси билан 2000 йилнинг халқаро тинчлик маданияти йилли деб эълон қилинишига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги ва «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамада техноген хусусиятли фақулдада вазиетлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунлари амалга киритилди.
- Хисоб-китоблар механизмининг такомиллаштириш ва бюджет тўловлари интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг Тўлов мuddати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириб бўйича кичик комиссиясининг навбатдаги йилгилиши бўлиб ўтди.
- Тошкентда Корея Республикаси маданияти кўнралининг тантанали очилиш маросими бўлди. Ушбу маданият кўнрали доирасида Киночилар уйида мазкур мамлакат киноҳодждорлари асарлари фестивали очилди.
- Кеча Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дустлик ва маданият-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши биносида Ўзбекистон Республикаси Мустиқиллигининг 8 йиллиги ва Аёллар йили муносабати билан «Халқ эркинлиги — аёл тиссоллида» мавзусида учрашув ўтказилди.
- Бугун Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси шаҳар қўшима таълим мажмуиди Тошкент шаҳри болалар ва ўсмирлар уюшмасининг таъсис анжуманини ўтказди.
- Қўқондаги «Мастона» хиссадорлик жамиятида тайёрланган «Юмалок» шароиб Кримда ўтказилган V халқаро танловда голиб деб топилиб, катта олтин медал билан тақдирланди. Хиссадорлик жамиятининг «Кагор», «Мускат», «Шоҳона» винолари кумуш медалларга сазовор бўлди.



## ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНДИ

13 сентябрь куни ишқибоз, мутахассис, шахримиз меҳмонлари билан «Юнусов» спорт мажмуасида анъанавий атинчи Президент Кубоги мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Дастлаб майдонга миллий музика садолари остида Арманистон, Беларус, Таиланд, Буюк Британия, Югославия, Хорватия, Чехия, Финляндия, Франция, Германия, Исроил, Италия, Голландия, Козогистон, Россия, Словакия, Швеция, Швейцария, АКШ, Жанубий Африка, Япония, Ўзбекистон каби спортчилари мусобақада иштирок этаётган 26 давлат байроқлари олиб кирилди. Мусобақада иштирок этувчи ҳамма спортчилар жамланди.

«ИТП Лимитед» компаниясининг президенти, Президент Кубоги мусобақаларининг ташкилотчиси Сассон Кашури республикада теннисни ривожлантириш, ҳар бир вилоятда раёновий кортлар қуриб, ёшларни спортнинг ушбу оммабоп турига кенг жалб этиш борасида амалга ошириладиган ишлар учун шахсан Республикасининг Президенти, турнирнинг кўнгилдагидай ўтиши учун бош-қош бўлаётган барча раҳбарларга ташаккур изҳор қилди.

Халқаро теннис мусобақаларини очиб учун сўзга чиққан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов турнирнинг барча ташкилотчилари ва иштирокчилари, шу кун саройга ташриф буюрган ҳамма мух-



## ЎШЛАР УЧУН ИЛҲОМ МАНБАИ

Аллон КАКШУРИ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги мусобақаларининг директори:

— Биз учун мусобақа ва халқ ўртасида мустаҳкам алоқаларнинг ўрнатилгани жуда муҳимдир. Зеро, турнир нуфузининг охири бориши унга Евгений Кафельников, Грег Руседски, Марат Сафин, Марк Россе, Николас Кифер каби теннис юлдузларини жалб этишимизга кўмак беради.

Уйлаймики, турнир давомида кўпгина ёш теннис мухлислари ўзлари севган спортчилар иштирокидаги бетакорр ўйинларнинг гувоҳи бўладилар ва улар орасидан келажакда албатта теннис юлдузлари этишиб чиқади.

Огородов ва Куценко тиссоллида Ўзбекистон жаҳон теннис майдонидида энг яхши ўйинчилар сафига кирувчи спортчиларга эгадир. Улар тез-тез Ўзбекистон теннисининг элчилари сифатида бутун жаҳон бўйлаб мусобақаларда қатнашишмоқда. Бундан ташқари Ирода Тулганова Уимблдондаги ўсмирлар мусобақасида галаба қозонганили, Фарух Дўстов эса бир қатор ўсмирлар чемпионатларида юқори натижаларни кўлга киритганили Ўзбек теннисининг юқори имкониятларидан далолат беради.

Шунга аминманки, Президент Кубоги мусобақаларидан илҳомланган ҳолда кўпчилик ёшлар спортга ошно бўладилар.

**САРКИС САРКИСЯН (Арманистон).** Президент Кубоги мусобақаларининг катнашчиси, 1996 йили Загреб ва Остинда ўтказилган челленжер мусобақаларининг голиби, 1997 йилда Ньютпордтаги АТП турголиби, профессионал теннис ассоциацияси таснифидаги рейтинг рақами — 60;

— Тошкентга биринчи бор ташриф буюришим. Шахрингизнинг замонавий меъморий ютуқлари мени ниҳоятда лол қолдирди. Албатта турнирга яхшилаб тайёргарлик кўришга ҳаракат қилдим. Карл Кучера билан дастлабки бешлашувдан ниҳоятда қоникдим. Утган йили ҳам Карл билан Кремль кубогининг саралаш турнирида бешлашганим. Ушунда учта сетлик бахсда рақибимнинг қўли баламда келганди. Бу рағ ўша ўйиндаги хатолардан хулоса чиқарган ҳолда, бахс бешлашганимдан ташаббусини ўз қўлимга олиш, ўз услубим бўйича орқа линияда ўйнашга ҳаракат қилиб галаба қозондим. Ниятим ўз махоратим даражасида ўйнаб голиблар сафига яқинлашди.

Президент Кубоги турнирларида яна келмоқчиман.

Биринчи давра ўйинлари ўтган икки кун натижаларини таҳлил қилар эканмиз, бу йилги Президент Кубоги турнирини шов-шувли натижаларга бой мусобақа деб таърифласак адашмаймиз. Зеро, биринчи бешлашувларнинг натижалари кура турнирининг тўрт нафар энг кучли теннисчилари мағлубиятга учираб, галаба учун бахс қоритиш ҳуқуқидан бебаҳра қолишди.

Президент Кубоги тур-

нирининг ўтган беш йиллик тарихида бундай кетма-кет шов-шувли натижалар хали бўлмаганди.

Шов-шувли натижа биринчи ўйинданок бошланди. Профессинал теннис ассоциацияси таснифида кура бўлишида бораётган Саркис Саркисян (Арманистон) ўзини катта қирқ поғона юқорида қараётган Словакия вакили Карл Кучерага 6/1, 6/4 ҳисобиде мағлуб этди. Яна бир Словакия вакили Ян Кросляк (53-ўрин) швейцариялик

## ЖАНГАРИЛАР ЧЕКИНМОҚДА

13 сентябрь куни Боткент туманида жойлашиб олган халқаро террорчиларга Қирғизистон ҳукумати томонидан қўйилган таълим муддатидан ҳақиқатда ултиматум мuddати туғайди. Босқинчилардан ижобий жавоб олинмагач, Тожикистон томонидан Қирғизистон ҳудудида ўтган босқинчиларни тугатиш операцияси бошланди. Қирғизистон ҳарбийлари маҳаллий аҳоли ва ички ишлар бўлими ходимлари билан ҳамкорликда жангарилар яшириниши мумкин бўлган барча жойларни текшириб чиқмоқда. Дастлабки тўқнашувларда Боткент тумани ички ишлар бўлимининг бошлиғи Қ.Султонов яраланган. Боткент тумани маъмуриятидан хабар қилишларига, Қ.Султонов вертолётда Бишкекдаги ҳарбий касалхонага жўнатилган.

Боткент ҳудудини халқаро террорчилардан тозалаш операциясининг дастлабки кунли давомида икки нафар босқинчи асир олинган. Қирғизистон ҳукумати хориждаги айрим сохта адолатпарварларнинг қўлга тушган жангариларга нисбатан ҳарбий асирларга бўлган каби муносабатда бўлиш талабини рад этди. Қирғизистон томони қўлга тушган жангарилар амалдаги тузумга қарши қўлда қурол билан жанг қилган жиноий тўда аъзоси сифатида жавобгарликка тортилишини маълум қилди.

Боткент воқеаларини ўз жойида кузатиб турган мутахассисларнинг фикрича, Қирғизистонга босиб кирган жангарилар ортида бевосита Бирлашган тожик муҳолифати турлидир.

Тожикистонда яқинда ўтказилган мўлжалланган парламент ва президент сайловлари олдидан Бирлашган тожик муҳолифати халқаро майдонда обрўсини йўқотиб қўйишдан қочиб, ўз жангариларининг бир қисмини Қирғизистоннинг ҳарбий жиҳатдан даярили химояланган Боткент тумани ҳудудларига ўтказиб юборган. Айни чоғда ҳам уларни моддий ва ҳарбий жиҳатдан таъминлаб турибди.

Бирлашган тожик муҳолифатининг раҳбари Саид Абдулло Нурий Тожикистон шаркида — Қирғизистон билан туташ тоғларда Жума Намангоний ва унинг одамлари йўқ деб баёнот берди. Унинг Эрон Ислам Республикаси ташқи ишлар вазири Каримов Харрозий билан учрашув пайтида айтишича, шу йилнинг август ойида муҳолифат кучлари Тожикистон ҳарбий кучлари таркибига қўшилган пайтда Ж.Намангонийга қуролни топшириш ёки мамлакатни тарк этиш ҳақида талаб қўйилган. Шундан кейин Ж.Намангоний ва унинг одамлари Тожикистон ҳудудини тарк этган.

кутилмаган натижалар

221-ўрин соҳиби Иво Хейбергера дастлабки сетини 6/2 ҳисобиде бой бериб, сўнг жароҳатланганлиги сабабли мусобақани тарк этди. Бизнинг теннисчиларимизга ҳам биринчи даврада омад кулиб боқмади: жуда асабий ҳолда бешлашган Олег Огородов швейцариялик Жорж Бастлга 7/6, 6/2 ҳисобиде ўйини бой берган бўлса,

яна кутилмаган натижалар қўлиб эгилди: англиялик Грег Руседски (АТП таснифида 7-ўрин) ўзидан 88 поғона паст италиялик Лоуренс Тилеман-

га 6/3, 6/4 ҳисобиде ютказиб қўйди. Яна бир россиялик юлдуз Марат Сафиннинг ҳам омади келмади. У Финляндия вакили Вилли Люккога 4/6, 7/5, (3/1) жароҳатланганлиги сабабли) ҳисобиде бахсини бой берди. Кеча шунингдек, учинчи вақилимиз Вадим Куценко ва чехиялик Даниел Вацеклар ўртасида учрашув ҳам Вадимнинг рақибни фойдасига 6/3, 0/6, 6/1 ҳисобиде яқунланди.

Жуфтликлар ўртасида Олег Огородов ва Марк Рос-

## ЛОҚАЙДЛИК ПАНД БЕРАДИ

Муқаддам ЖАБЪАРОВА, Тошкентдаги 174-мактаб директори:

— Кейинги пайларда қўшни Қирғизистоннинг Боткент туманида рўй берган воқеалар ҳаммаимизни ташвишга солмоқда. Зеро, ушбу воқеалар биздан анча узоқда, бошқа республикада содир бўлаётганига қарамай, бу кучлар пухта ўйлаб амалга ошираётган қабиҳ режанинг бир бўлиғи, халқаси экани маълум.

Турли миллат вакиллари бирлаштириган жангарилар тўдалари айнан Марказий Осиёда осойишташлик ва барқарорликнинг мустаҳкам қўрғонига айлангани уларга тинчлик бермапти. Энг аввало ана шу ерда — бизнинг она туғригимизда бесаранжомликни юзага келтириш, саросималикни тугдириш орқали улар бутун минтақага таъсир ўтказишни режалаштиришган.

Юқоридегиларнинг ҳаммаси Президентимиз бир неча йилдан бери ташкиллаб келатган ҳушёрлик, огоҳликни бироз бўлса-да бўшасти-

ларнинг ноҳақ ҳаракатлари, бу бир кундан кейин кулаб тушадиган, пойдевори қумдан тикланган иморат каби охири вой бўладиган ишдир. Босқинчилар ўзларининг разил хатти-ҳаракатлари билан халқ газабини қўзғатдилар. Шу тўфайли ҳозир Қирғизистонга тоғлардан писиб қираётган ёмон ниятлик кимсаларни қўлга олишда оддий халқ ўз кўмагини амааппти. Қирғизистон ҳарбийлари қўлни-қўлга берган ҳолда тез кунларда халқларимиз тинчлигини бузишга уринаётган ёвуз ниети жангариларни улоқтириб ташлашга ҳеч қандай шубҳа йўқ!

## Огоҳликка даъват

уларнинг миясига жамиятимизга ёт, инсонпарварлик тамойилларига зид гоғларнинг сингдирилишига йўл қўймаслигимиз керак. Ҳали ҳаёт ташаббусига эга бўлмаган, дунёқараш шаклланиб улгурмаган мурғак қалбларни ёт таъсирлардан асраш ҳаммаимизнинг — таълим тарбия муассасалари, жамоат ташкилотлари — бутун жамиятимизнинг муҳим ва муқаддас бурчимиз эмасми?! Албатта, шундай. Бинобарин, ҳаммиса ва ҳар ишда ҳушёр ва огоҳ бўлайлик, бугунги кунимизнинг қадрига этиб, уни қўз қорачигидек асрайлик.

Муносабат

Кўйнидан паноҳ топишмоқчи. Шунга ишонамизки, тоғлар уларга ҳеч қандай паноҳ бўла олмайдди. Зеро, тарихнинг гувоҳлик беришича, сиёсий мақсадларни қўзғатган ҳолда амалга оширилган барча босқинчилик ҳаракатлари ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган.

**НИГОРА ҚУЛОМОВА, Тошкент архитектура-қурилиш институтининг катта ўқитувчиси:**

— Ойна жаҳон орқали қўриб, газеталарда ўқиган ҳолда шунга амин бўлдимки, Қирғизистоннинг жанубий ҳудудидаги террорчи-

### Метро ЖАДАЛ ВА СИФАТЛИ

Тошкент метросининг навбатдаги Юнусобод йўлини бунёд этиш энг зарбдор қурилиш иш-шоотларидан бирига айланган. Ана шу ерос-ти қасрининг бекатлари метронинг аввалги йўналишларида бўлганидек гўзал ме-морчилик услубида ўзи-га хос тарзда безати-моқда. «Мингўрик» метро бекати эса ми-ллий нақшлар билан сайқаланиб, тайёр ҳо-лға келтирилди ҳисоб.

— Мазкур бекатда поез-дларнинг қайтиш ҳалқаси қурилиши ҳам тугалланди, — дейди метро қурилиши бошқармаси бошлиғи Анвар Тошпўлатов. — Шу му-носабат билан пойтахти-мизнинг «Мингўрик» метро йўли ўтган ҳудудлари-да катта тикланиш ишлари олиб борилмоқда.

Худди шунингдек, Амир Темир кўчаси метро йўли-нинг устки қисми ҳам қайтадан таъмирланди ҳам-да трамвай ва автобус қат-нови йўлга қўйилди.

Метросозлар «Юнус Ра-жабий» бекати қурилиши-ни ниҳоясига етказиш ара-фасида турибдилар. Яна тўртта метро бекатини фойдаланишга топшириш устида қизгин ишлар олиб борилмоқда. Ана шу «Аб-дулла Қодирий», «Минор», «Бодомзор» ва «Ҳабиб Аб-дуллаев» бекатларини бог-ловчи туннель ерости иш-лари яқин вақт ичида тўла тугалланди.

Юнусобод ер ости қо-шонаси поездлари қатно-ви учун алоҳида депо ҳам бунёд этилди. Бу иш-шоот ҳам замонавий техника ва қурилиш жиҳозлари ёрда-мида тикланди.

Бу ва шу каби қурилиш ишлари учун 1999 йилда 3669,3 миллион сўм капи-тал маблағ ажратилди. Шундан 2847,4 миллион сўми қурилиш-монтаж иш-ларини амалга оширишга сарфланмоқда.

Юнусобод метро йўли-нинг бунёд этилиши билан шаҳримиз аҳолиси ва ме-хмонлари яна бир катта транс-порт қулайлигига эга бў-ладилар.

Анвар ВАЛИЕВ.

### Мурувват БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Шеърят муқининг суатони, удуғ бобомиз Алишер Навоий инсоний фазилатлар тўғрисида тўхтаб қолар: «Са-ховат одамийлик муқининг мавж уриб турган денгизи ёки ана шу ден-гизнинг бебаҳо гавҳари-дир» деб таърифлаган-лар. Чиндан ҳам саховат қўрсатган одам нафа-қат ўз дилига, балки ўз-галар қалбига ҳам чироқ ёқди, десак янглиш-маймиз.

Янги ўқув йили бошла-ниши муносабати билан Миробод туман ҳокимлиги туманда фаолият кўрса-таётган «Американ-Опти-кал» қўшма корхонаси хо-мийлигида яна бир хайр-ли ишга қўл урдилар. Ту-ман маҳаллаларидаги 50 нафар боқувчисини йўқот-ган ўғил-қизларга битим олиш учун зарур бўлган барча ўқув қуроллари бе-пул тарқатилди. Болалар-нинг кўнгли эса бир олам қувончга тўлиб, янги ўқув йилини бошладилар.

Туман хотин-қизлар кў-митаси ҳамда «Камолот» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда иш олиб бораётган ушбу қўш-ма корхона тадбиркорлари йил давомида касал, ёр-дамга муҳтож, ногирон бо-лаларга беминнат хайрия ёрдами кўрсатишни ўз зим-маларига олишган.

— Мақсадимиз дунёда дили ўқиб болалар бўлма-син, — дейди корхона ра-ҳбари доктор Шоон Ли. — Шу боис ҳам фарзандлари-мизнинг қувончига шерик бўлиш, уларнинг камол то-пишида ўз ҳиссамизни қў-шишни инсонийлик бурчи-миз деб ҳисоблаймиз. Зе-ро, боб кулса олам кула-ди. Оламнинг кулгуси эса тинчликдан, дўстликдан ни-шонандир.

Дилноза ГИЁСОВА.

### Фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳалқ хўжалиги ривожига салмоқли ўрин тутмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари изланишлари ҳам амалиётда яхши самаралар бермоқда.

Кибернетик олимларнинг хўжалик шартномалари бўйича амалга оширилган тадқиқотлари ҳам қутилган натижаларни бераётганлигини айтиб ўтиш жоиздир. Фақат кейинги бир йил ичида хўжалик шартномалари туфайли 48,3 миллион сўмлик иш бажарилди.

— Давлат илмий-техника дастури бўйича ҳам катта ҳажмда тадқиқотлар олиб борилмоқда, — дейди бирлашма Кибернетика институтининг илмий котиби Борис Алмиёров. — Бу изланишлар натижалари «Муборакнефтьгаз» ишлаб чиқариш бошқармаси, «Ўз-трансгаз» ҳиссадорлик жамияти каби ўн-дан ортиқ корхоналарга татбиқ этилиб, неча минг сўмлаб иқтисодий самаралар эришилди.

Тасвирлар белгиларини аниқлаш билан боғлиқ дастурли модул ҳам яратилди. Бу эса тасвирларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш учун кенг йўл очиб берди. «Рентгенолог ассистент» деб ном олган дастурли макет тизимдан ҳам амалиётда фойдаланилмоқда.

Саноат корхоналари экологик ҳолатини назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини яратишнинг илмий-тех-ник асослари ишлаб чиқилди. Бу янги-лик ҳам халқ хўжалигига катта иқтисо-дий фойда келтирмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси фун-даментал тадқиқотларни қувватлаш жам-ғармаси томонидан ўнга яқин грант аж-ратилди. Қўлга киритилган ана шу маб-лағ ҳисобидан пахтачилик, дончилик, ипакчиликдан иборат агросаноат маж-муасини ривожлантиришга қаратилган қатор йирик изланишлар юзга келди. Ўз-бекистон Фан ва техника Давлат кўми-таси ажратган грант бўйича ҳам йирик мавзу ишлаб чиқилди.

«Кибернетика» бирлашмаси бу каби грантлар эвазига жами 1447,95 минг сўм-лик маблағга эга бўлди. Зарарли модда-

ларнинг тарқалиши бўйича яратилган ма-тематик модель ҳам қутилган натижани берди. Ушбу йирик ишланма Тошкент Давлат университетига берилди. Оғир юрак хасталиги хуружини аниқлашнинг мажмуавий дастури ҳам кибернетик оли-мларнинг жиддий ютуқларидан бири бўл-ди. Эндиликда ушбу дастур Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент-даги биринчи клиник касалхонасида мақбул муо-лажавий усул бўлиб хизмат қилмоқда.

Пахта ва пахта маҳсу-лотлари қиймати ҳаж-мини олдин-дан аниқлаш-га доир маж-муавий да-стури эса Қорақалпоғистон Республикасида фойдаланилмоқда. Бу янгилик туфайли пахта саноати корхоналари 200 минг сўм иқтисодий фойда кўради. Пилла маҳсулот-ларини ишлаб чиқариш тизимасида био-логик ва технологик жараёнлар ҳам ат-рофлича ўрганилди, ҳамда энг яхши ил-мий ишланма «Пилла-ҳолдинг» холдинг компаниясига тақдим этилди.

Олимлар хизмат кўрсатиш доирасида бозорни бошқариш бўйича ҳам дастурий йўриқномани ишлаб чиқдилар. Эндилик-да бу ишланма меҳнат биржаларида аҳо-лини ижтимоий ҳимоялаш соҳаларида кен-г қўлланилмоқда.

«Ўзсаноатфуқароқурилиш» давлат кор-порацияси ҳам кибернетиклар ёрдами-дан баҳраманд бўлди. Бунинг эвазига 340 ми-нг сўмлик иқтисодий самаралорликка эри-шилди. Ижтимоий-маиший инфратузил-мани ривожлантиришни олдиндан режа-лаштириш билан боғлиқ мажмуавий да-стуру устида ҳам жиддий иш олиб борилди.

«Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг саноат корхоналари, аг-росаноат ташиқлотлари билан ҳамкорлиги тобора кенгайиб, тадқиқотлар самарадор-лиги янада ортиб бормоқда.

Акбар АЛИЕВ.



Гулира Юнусова қарийб 20 йилдирки, «Тошкент-сут» ҳиссадорлик жамиятининг марказий лабо-раториясида меҳнат қилади. Сут ва сут маҳсулотларининг сифатли тайёрланишида унинг ҳиссаси каттадир.

СУРАТДА: Гулира Юнусова иш устида.

### Тадбирлар МАРОҚЛИ ЎТДИ

Бектемир туманидаги «Миришкор» маҳалласида «Билимлар кўни» муносаба-ти билан бу йил илк бор мактаб остонасига кадам қўйган 1-синф ўқувчилари учун «Биринчи марта — би-ринчи синфга» деб номлан-ган байрам тадбири ўтқа-зилди.

Турли ширинликлар, сал-қин ичимликлар ва ёз неъматлари билан безати-лган байрам дастурхони ат-рофидан маҳалланинг 60 нафардан зиёд 7 ёшли тур-ли миллат фарзандлари жой олишди. Байрам ранг-бара-нг виқториналар, қизиқарли топшиқмоқлар ва болаларни-нг шўх-шодон кулгиларига бой бўлди.

Тадбирни маҳалла фаол-ларидан 293-мактаб ўқитув-чиси Мухайё Шермухаме-дова ўзбек, рус тилларида ки-зиқарли ва аъло даражада олиб берди.

Тумандаги «Ирғидромаш» заводи қасаба кўмитаси ҳам-

да Салима Мухамметова, Тошкентбўй Бегматов, Ил-хом Мирзаёқубов каби тад-биркор, болажон фидойи инсонлар болалар байра-мига ҳомилий қилишди.

Байрам сўнгида бола-ларга музқаймоқ ва «Ми-ришкор» маҳалласи томо-нидан ажратилган китоблар совға тариқасида тарқатил-ди.

Байрам жажжи болалар қалбига катта таассурот қолдирди.

Махлиё ИСОҚОВА, ТошДУ талабаси.

### Мустақил Ўзбеки-тонда рўй бераётган чу-қур ижтимоий-иқтисо-дий ўзгаришлар, тикла-ниётган аъёна ва қад-риятлар хорижийлик дўст-ларимизни ҳам қизиқти-риши табиий. Покистон-нинг оммабон наирлари-дан бўлган «Оила» жур-нали яқинда Ўзбекистон ҳақида «Янги дунё» сар-лавҳали салмоқли мақо-ла эълон қилди.

Мақола муаллифи Шоу-дхри Шахзод ўз дўстлари билан Марказий Осиё рес-публикалари, жумладан Ўз-бекистон бўйлаб қилган са-фар таассуротлари ҳақида тўқилганиб ёзади. Сафар-номада у республикада мус-тақиллик йилларида эри-шилган ютуқлар, рўй бер-ган ижобий ўзгаришлар тў-ғрисида батафсил тўхталар экан, бунда оммавий аҳо-рот воситаларининг ҳам му-носиби ҳиссаси борлигини таъкидлайди.

Покистонлик дўстимиз, жумладан, респу-блика радиоси хорижий мам-лакатларга эшиттиришлар бошқармасида меҳнат қи-лаётган журналистлар, хусу-сан, урду тилида эшиттириш-лар тахриратининг суҳандо-ни Зиёдулла Насуллаев фа-олияти ҳақида хикоя қилади.

Зиёдулла соҳиб биз бил-лан кўчқоч очиб, самимий ва илиқ кўришди, — деб хикоя қилади мақола муаллифи. — Даврада ширин суҳбат бош-ланди. У киши урду тилида жуда яхши гапирдилар. Ра-фикалари ҳам урду тилида гапир олдилар ва тушуна-дилар.

### Биз ва жаҳон САФАР ТААССУРОТЛАРИ

Зиёдулла соҳиб тўрт йил давомида Покистондаги Каро-чи металлургия заводига тар-жимон бўлиб ишлаган. Шу туфайли бўлса керак, Поки-ситетида ўқиб келади, — да-воми эътиди мақола муаллифи. У ерда ўқиб билан бир қа-ротлар урду мусиқасига ҳам қизиқиш ва ҳавас пайдо бў-лади. Мусиқага бўлган муҳаб-бат у кишини урду газалла-ри ва қўшиқларининг ажой-иб ижроси, моҳир хонан-даси даражасига етказди-ки, урду тилида бирор газал ёки қўшиқни куйласалар, тинг-ловчини ўзларига жалб этиб, уларга мусиқий асарнинг том маъно ва мазмунини бера оладилар. Тингловчи беҳи-стиёр у кишининг санъатига қойил қолади ва тасаннолар айтади.

Зиёдулла соҳиб тўрт йил давомида Покистондаги Каро-чи металлургия заводига тар-жимон бўлиб ишлаган. Шу туфайли бўлса керак, Поки-



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 8 ЙИЛЛИГИ ВА АЁЛЛАР ЙИЛИДА ЯНГИ ОИЛА ҚУРАЁТГАН КЕЛИН-КУЁВЛАРНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ЙИГИТ-ҚИЗЛАРИГА

### МУРОЖАТИ

Қадри қамуртар, тенгдош дўстлар! Биз кунги кеча халқимиз ҳаётидаги қутлуг сана — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг муборак 8 йиллигини кенг нишонладик. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор...

Истиқлол бизнинг авлодга насиб этгани учун то-леимизга шукроналар айтаемиз. Не бахтки, биз Мус-тақиллиқнинг илк неъматларидан баҳраманд бўлмоқ-дамиз. Эрк ва хурлик, тикланган миллий қадриятла-римиз, давлат тили макомини олган она тилимиз, юр-тимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин оли-ши, кун сайин гуллаб-яшнаб, янада обод ва кўркам-лашиб бораётган мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқла-ри, пойтахтимиз Тошкентнинг бетакрор гўзаллиги Мустақиллигимиз шарофатидандир.

Биз ёшлар мамлакатимизда олиб борилаётган иқ-тисодий ва ижтимоий ислохотлардан, кам таъмин-ланган оилаларнинг изчил муҳофаза қилинаётганли-гидан кечкис миннатдоримиз. Биз ёшлар ҳам ушбу гамхўрликни доимо ҳис этмоқдамиз.

Бугун янги оила қураётган биз ёшларга кўрсати-лаётган меҳр-мурувват, гамхўрлик ана шу инсоний са-

ховатнинг ёрқин ифодасидир. Бунинг учун Прези-дентимизга, ҳукуматимизга, шаҳар ҳокимлиги, хо-тин-қизлар кўмитаси ва Тошкент шаҳар «Наврўз» хай-рия жамғармаси жамоасига ҳамда тўйимизга ҳис-саларини қўшган саховатли барча инсонларга раҳ-матлар айтаемиз.

Азиз ёшлар! Келажаги буюк давлат бунёдкори бўлишдек ша-рафга муяссар бўлган эканмиз, ушбу номга муно-сиб бўлайлик. Юртбошимиздан ибрат олиб, элим деб, юртим деб ёниб яшайлик. Юртимизни ёвуз кўзлардан, тажовулардан сақлашга ҳар лаҳзада шай турайлик. Оила — жамият ва давлат таянчидир. Биз XXI аср остонасида бунёдга келаётган оилалар буюк келажақнинг ҳақиқий эгаларимиз. Бизнинг фарза-ндларимиз бахтли, саодатли бўлиши, оилаларимиз қудратли ва маърифий давлатда яшashi учун ҳуку-матимиз улкан гамхўрликлар қилмоқда. Биз эса ана шу гамхўрликка муносиб бўлайлик. Элу юртимизни, унинг мустақиллигини кўз қорачиқидек асрайлик.

Обод ва озод юртимизда аҳил ва иноқ, бахтли, баркамол оилалар кўпаяверсин!

Саховат

### Келинлик либосини кийиб ибти, ҳаё билан эн-тиқиб турган келин-чак... Уни ўз хонадо-нига бир умрга қўймоқ, се-вимли ёр айлаб олиб ке-таётган кўёвбола... Аб-батта, бугун уларнинг дилидаги ҳаяжонни, ме-ҳр-муҳаббатни фақат келин ва кўёв бўлганлар жуда яхши ҳис этади-лар. Шаҳримизнинг 9 жуфт йигит-қиз учун бугун тонг ҳар қачон-гидан ҳам чироқли от-ган бўлса не ажаб?! Чунки бу бахтиёр ёш-лар илк бор оила ата-ла-миш муқаддас кўрғон-нинг остонасига ўз қут-луғ қадамларини қўйди-лар. Энг қувонарлиси шундаки, уларнинг никоҳ тўйлари пойтахтимиз-нинг муҳташам гўшала-ридан бири саналмиш «Наврўз» бахт уйда нишонланди.

Мамлакатимизда кунги кеча нишонланган Муста-қиллигимизнинг 8 йиллик тантаналарига улашиб кет-ган бу тўй Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар «Наврўз» хайрия жамғармаси ташаб-буси ва ҳомилийида бўлиб ўтди. Ушбу бахт остонаси-га яхши ниётлар билан қа-ладан қўйган 9 нафар зебо-чехра келинлар ва 9 нафар кўёвтуғлар Акмал Икро-мов туманидан Муроджон Тешабоев ва Барно Ҳақи-мова, Бектемир туманидан Абдутолиб Байзоқов ва Нурсулту Мамқулова, Ми-робод туманидан Мурод-жон Рўзиев ва Заҳро Нус-

ломова очди ва келин-куёв-ларга никоҳ гувоҳномасини топширар экан, келинларга бахтли бекалик, кўёвларга бахтиёр оталик насиб эти-шини чин дилдан тилади. Ўз-бекистон Республикаси Пре-зидент Девонининг етакчи консультанти Шарифа Са-лимова ҳар бир ёш келин-куёвга Юртбошимиз Исло-м Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажақ сари» аса-рини топширди.

— Шаҳримизда яна 9та бахтли оила вуждга келпа-нидан беҳад хурсандимиз, — деди Тошкент шаҳар ҳоки-ми ўринбосари, шаҳар хо-тин-қизлар кўмитаси раиси Фариди Абдурахимова. — Ўзининг гўзаллиги ва нафо-сати билан й э қолдирадиган Аёллар йилида бўлиб ўтаёт-ган ушбу тўй ёшларимизда унутилмас хотиралар қолди-риши табиий. Мустақиллик шарофати билан ўтказилаёт-ган ушбу тантана оқшоми-дан бошланган бахтли он-лар 9та ёш оилани асло тар-к этмасин. Бу қутлуг ко-шонода йигилганларнинг барчаси уларнинг замона-ларининг энг ибратли оила-лари қаторидан мустақкам ўрин олишига тилақдошди-лар.

Тилақлар дилрабо қўшиқ-ларга, шўх мусиқалар дил-бар рақсларга уланди. Рес-публика хотин-қизлар кўми-тасининг раиси Дилбар Фу-

қулари тантанали тарзда қайд этилди. Файзли дастурхон атро-фига тўпланган келин-куёв-ларнинг яқинлари, дўст ва дугоналари бир олам шод-лик-ла карнай-сурнай сало-млари остида ёшларни қар-сақлар билан қутиб олдилар. Тантанали тўйни Ўзбеки-стон Республикаси Бош ва-зирининг ўринбосари, рес-публика хотин-қизлар кўми-тасининг раиси Дилбар Фу-

қулари тантанали тарзда қайд этилди. Файзли дастурхон атро-фига тўпланган келин-куёв-ларнинг яқинлари, дўст ва дугоналари бир олам шод-лик-ла карнай-сурнай сало-млари остида ёшларни қар-сақлар билан қутиб олдилар. Тантанали тўйни Ўзбеки-стон Республикаси Бош ва-зирининг ўринбосари, рес-публика хотин-қизлар кўми-тасининг раиси Дилбар Фу-

қулари тантанали тарзда қайд этилди. Файзли дастурхон атро-фига тўпланган келин-куёв-ларнинг яқинлари, дўст ва дугоналари бир олам шод-лик-ла карнай-сурнай сало-млари остида ёшларни қар-сақлар билан қутиб олдилар. Тантанали тўйни Ўзбеки-стон Республикаси Бош ва-зирининг ўринбосари, рес-публика хотин-қизлар кўми-тасининг раиси Дилбар Фу-



Элдор Қодиоров кўп йиллардан бундан қувувчи бўлиб меҳнат қилади. Шу билан бирга ўз касбининг сардори ҳамдир. У айни вақтда 733-қурилиш поездида ишламоқда. СУРАТДА: Элдор Қодиоров иш устида. Солих Зоир олган сурт.

Бир асар тарихи

# САРОЙМУЛКХОНИМ СУРАТИ

**Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги нишонлаб бўлинган, саксон ёшга тўлган мусаввир, академик Малик Набиев бошлаб кўйган «Соҳибқироннома»сини охирига етказишга тинмай ҳаракат қиларди. «Энди қариб қолдим, тенгқуларим каби яшай, менга нима етмапти? Бола-чақаларим, невараларим бўлса, Кам-кўстим йўқ, қариллик гаштини суриб, беш вақт намозимни ўқиб, худо-оллоҳ деб, иймон-этиқодимни мустаҳкамлаб юраверай» деб ҳам кўп ўйлашлар-у виждон йўл кўймади. Умринг ижодхонада ўтказишга, ибодат қилишга қарор қилдилар ва яна куч-қудратга жўшиб, ишлаб кетдилар.**

Ҳар сафар шоир Собир Абдуллонинг: **Умр хуш ўтмасин, бўстон этиб кет, Маломат тоғини талқон этиб кет** шеърларини гоҳ-гоҳ дутора ўзларича дам олганда хиргойи қиладиган бўлиб қолдилар. Кетидан хонанда Фахриддин Умаровнинг «Умр ўтмоқдир, умр ўтмоқда...» ашуласиниям паст овозда бўлсада дуторларига аста жўр бўлиб айтдилар. Бу ҳаракатлари ўзларига жуда ёқиб, дуторни яна жойига илиб ижодга берилиб кетардилар...

Ҳа, Темур тасвирлари ёнига теурирлар, ўз рафиқаси, сеvimли ёри Бибихоним номи билан машҳур бўлиб кетган Сароймулкхоним қиёфаси кўшиляётгани.

Малик Набиев ижодларини кузатиб, нима яратган бўлсалар қўриб борардик. Кўрғазма, музейларда томоша қилиб, томошабиннинг эътиборини кузатиб, сўнг ўзлари билан учрашиб, санъат асарлари ҳақида суҳбатлашиб турардик. Ўзлари ҳам санъатшуносларнинг бу оdatларига ўрганиб, жуда ёқтириб қолгандилар. Танқидий фикрларимизга хафа ҳам бўлмасдилар. Ўринли фикр-мулоҳазаларимизни бажонидил қабул қилардилар.

Бу сафарги учрашимиз ҳам худди шундай бўлди. Ижод билан банд эканлар. Вазиятлар ўша ўша сира ўзгармайди. Яхши кайфиятда кутиб олишларидан севиндик.

Аслида мусаввир билан учрашиб, танишиш 1988 йилдан бошланганди. Ўшанда Темур қиёфасини илк марта ҳайрат билан томоша қилгандик. Бу «Соҳибқироннома»га пойдевор ҳисобланарди-ю мусаввир ҳаётдан безовта кўринарди. «Ҳаракат қилаялман, яхши ниятда» деб кулиб қўйгандилар.

Ниятлари холис экан, муродларига етибдилар. Сароймулкхоним сурати ҳам изланишлардан сўнг 1997 йилда битган бўлса, эндиликда кам-кўстларни тўлдирилиб, ниҳоясига етибди. Чизиларга назар ташласак, Бибихоним қиёфасини яратишнинг ўзи бўлмаганлигини кўраимиз.

Бибихоним кўринишларини қайта-қайта кўриш иштиёқида ижодхонага бир эмас, бир неча марта келдик. Ўтган йил баҳорда битказилди деб ҳисобланган портретга ҳамон сайқал бериларди. Ва ниҳоят, яна баҳор етиб келибди. Эндиликда Сароймулкхоним тасвири аввалгиларига сира ўхшамас, анча жозибали чиқибди. Тасаввуримдаги гўзал аёлгина эмас, ҳатто сарой маликасига хос тасвир ҳам эди. Мусаввир тасаввурига кўра кенг пешонали, сочлари тим қора, кўзлари тетик, сезгир ва шаҳло, кулча юзи худди тўлин ойни эслатади. Ёйсимон қошлари, наштадек киприклари бўй-бастига ҳусн бахш этиб турибди. Истараси иссиқ, ёқимли, кишини мафтун этадиган даражада сарой либосларида тасвирланибди.

Тарихий маълумотларга кўра Темурнинг бир неча хотини бўлиб, кўз очиб қўрган Бибихоним туғмаиди-ю бошқаларидан фарзандлар сероб экан. Сароймулкхоним энг ақлли ва вафодор, аёлликда тенги йўқ бўлиб, болаларни жуда яхши кўраркан. Шунинг учун бола тарбияси унга топшириб қўйиларкан. Темур уни «Болаларнинг онаси» деб ҳурмат қиларкан.

Тарих китобидидаги ушбу сўзларга эътибор берайлик: «Улуғбек 1394 йил Султония шаҳрида таваллуд топан, Бобоси Амир Темур ўз невараларига алоҳида эътибор билан қараб уларга махсус тарбиячилар тайинлаган. У айниқса Улуғбекка нисбатан анча гамхўр эди. Шунинг учун мураббийликни катта хотини Сароймулкхонимга топширган».

«Сароймулкхоним сурати»ни яратиш жараёнида унга болалигидан сингиб қолган хаёқ ижодидидаги афсона, ривоят, эртак ва дostonлардаги Шарқ аёлларига қарата турли таъриф ва тасвифлар ҳақида айтилган гаплар асос бўлди. Турли фикрларни шарҳлаб Малик Набиев шундай хулосага келмоқдалар: «Биргина миллат эмас, ҳамма миллатда аёл зоти шундай кўп қиррали товланишларга эга. Аёл зотига меҳр-муҳаббат билан қаралса бас, шу аёл ўшаники бўлади. У жаҳон халқини дол қолдирган мусаввирлар: Леонардо да Винчининг «Жаконд»сига, Рафаэлнинг Мадонналарига, ўзимизнинг санъат музейимиздаги Андрей Беллолининг «Соҳибжамол»ига ҳам ўхшаб кетаверади. Буларда дostonларда куйланган «Фарҳод ва Ширин»даги Ширин, «Қирқ қиз»даги Гулоийим, «Алломиш»даги Барчиний кабиларни кўриш мумкин. Аёлларимизда бир-бирига ўхшашлик гўзал томонлар бор экан, шу томонларга эътибор бермоқ керак».

**Маҳмуд АХМЕДОВ,**  
Ўзбекистон Бадий Академияси  
санъатшунослик илмий-тадқиқот  
институтини «Тасвирий санъат» бўлимининг  
илмий ходими.

**Аёллар йилида шахримизда Турмаклар театри ташкил этилганлигини эшитиб, кўпчилик ҳам-шаҳарларимизнинг кўнглиллари қувончга тўлди. Бинобарин театрининг дастлабки сахна асарини ҳам аёллар ҳаётидан ҳикоя қилиши, табиий.**

Кунчи кеча «... Ва Оллоҳ аёлни яратди» шиори остида бўлиб ўтган шоу-намоишда «Бомонд», «Стил», «Лазокат», «Нектар» ва бошқа салонларнинг 15 нафар сарташо усталари иштирок этишди.

— Ёш усталар учун бу ўз ижод медалари ва маҳоратини намойиш этишининг ажойиб имконияти, бизни-

нг спектаклимизни кўрмоқчи бўлганлар эса янги номларни кашф этишлари мумкин, — деди намойиш олдидан Турмаклар театри

қандай салонларда сарташошлик, косметика хизматларини кўрсатишлари тўғрисида батафсил маълумотлар ўрин олган. Томошабинлар

ри — режиссёр Гуля Портенко, сценарий муаллифи Ирина Островская, бош хоним — Кельберг — Осие электродлар» кўшма корхонаси, «Нестле» компанияси, «Тошкент гуллари», «Вита Макс», «Доктор Нона» фирмалари каби хонимлар Ўзбекистон тadbirkор аёллар уюшмаси кўмагида тошкентликлар ва шахримиз меҳмонлари учун катта байрам спектаклини соғва қилдилар.

Ийғилганлар «Келажак аёллари», «Амазонкалар», «Гуллар», «Космос», «Аёллар характери» каби ўзига хос турмакларнинг шоҳиди бўлиб, бир олам маънавий завқ олдилар.

**Дилшод ИСРОИЛОВ.**

## 1999 — Аёллар йили

# «ГўЗАДЛИК ӨЛАМНИ ҚУТҚАРАДИ»

таъсисчиси бўлмиш «Лазокат» фирмасининг директори Н. Расулва. — Шунга айтиш жоизки, барча томошабинларга тарқатилган дастурномаларда намойиш этиладиган тўпلامлар, уларнинг муаллифлари, усталар

учун кутилмаган соғва сифатида эса 5 та бахтли билетлар тиражи ўтказилди. Фотоблағга пойтахтдаги «Лазокат» салоинида бир марта бепул хизмат кўрсатилди.

Турмаклар театри шоу-намоишининг ташкилотчили-

## Ибрат

# ЁДДА ҚОЛАДИ

**Яқинда Шукр Абдуллаев раҳбарлик қилаётган «Бахт Назир» масъулияти чекланган жамият ҳомийлигида яна бир хайрия тadbiri амалга оширилди. Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган 228 нафар болаларнинг кўнглиларини кўтариш, қалбларига яхши кайфият олиб кириш мақсадида дастурхон ёзиб, дошқозонларда ош дамланди.**

Мазкур жамият ҳомийлигида ёзги таътил вақтида Тошкент шаҳар қасаба уюшмасидан Паркент туманида жойлашган «Кизил сой» болалар оромгоҳига 150 та, «Ўзмон-тажмахусулэлектр»га қарашли «Нептун»га 100 та, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан «Ёшлик» ором-

гоҳига 100 та йўланма Меҳрибонлик уйига бепул олиб берилганди.

Ушбу тadbir кун 700 минг сўмлик «Кибо» болалар оёқ кийимлари тақдим этилганда норасидаларнинг қувончлари чексиз бўлди. Жамият раҳбари Шукр Абдуллаев Меҳрибонлик уйига пианино, телевизорни соғва сифатида топширди.

— «Бахт Назир»дагиларнинг саховатли ишлари муборак кунлар хотираси битиладиган дафтаримизга ёзилажак. У болажонларнинг ёдида бир умрга қолади, — деди ҳаяжон билан Меҳрибонлик уйи директори Алла Демчук.

**Саодат ЙЎЛДОШЕВА.**



СУРАТЛАРДА: 21-Меҳрибонлик уйида ўтказилган тadbirdан лавҳалар. Даврон Аҳмад олган суратлар.



## ИБРАТНОМА

Парвардигори олам Мусо алайҳиссаломга буюрди:

— Бандаларимнинг менга яқин бўлишлари учун учта нарса керак бўлади.  
— Улар нималар? — деб сўрадилар Мусо алайҳиссалом.

— Биринчиси дунёга берилмаслик, иккинчиси гуноҳлардан парҳез қилиш ва ниҳоят учинчиси мендан кўрқиб кўз ёш тўкиш.

\*\*\*  
Ҳазрати Имом Содиқ алайҳиссалом дебдилар:  
— Худованди Карим ўз бандаларининг тавбасидан билан оқ халатлилар «сахий» ўлигининг керакли азозларини олиб, Грехтнинг танасига «ўтказишга» киришибди. Умрининг ярим асрини орқага ташлаб улғурган бу мижозга таваккал билан қилган шу операция 13 соатга чўзилиб, муваффақиятли яқунланибди.

Штейн Грехтнинг ҳали ризк-насибаси бор экан. Унинг ички азозларига ўтказилган ўзга азозлар бегоналик қилмапти.

**МАРИЯ ЛОПЕС УЧИНЧИ ОЕГИНИ КЕСТИРДИ**  
Америка Кўшма Штатларида оламнинг сон-саноксиз фаройиботларидан бири — 33 ёшли у оёқли йигит — Хосе Мария Лопес яшайди. Одамларни хайрон қолдирадиган унинг ўзгалардан фарқи шундаки, унда одамларникидай иккита эмас, уч оёғи борлигида.

Хосенинг учинчи оёғи у дунёга келиши биланок, чап оёғи тиззасининг остки томонда пайдо бўлиб ўса бошлаган. Мексикалик врачлар дастлаб ортик аъзо пайдо бўлган чап оёқни сонгача кесиб ташлашни таклиф қилишган. Бирок, бунга болакайнинг онаси қаршилиқ билдирган. «Бир оёғи кам бўлганидан кўра ортик бўлгани яхши. Учинчи оёқ ҳеч қандай халақит бермайди» деган ва ж айтибди у.

Вақт ўтиши билан тўрт панжалли ортик оёқ ўсиб-улғайиб, узунлиги 15 сан-

## Ажойиботлар

тиметрга етганда оғрий бошлайди. Кийим кийишда, кўпчилик билан аралашувда, юриш-туришда ҳар хил тўқинликлар кўрсата бошлабди.

Кискаси, ўттиз ёшга етгунча Хосе Мария Лопес учинчи оёқнинг азобини обдон тартади. Сарф-ҳаражатнинг камлигидан, хақини тўлай олмаганидан унга мураккаб, текин операция қилишга шу кунларгача ҳеч бир жарроҳ розилик бермаган. Шундай бўлса ҳам, ҳаётининг 33-баҳорида омад унга кулиб боқадди: Калифорниядаги «Уиттер» маркази врачлари текин операция, тўғриси айтганда, эксперимент ўтказишга қарор қилишди. Шундай қилиб, оламдаги айрича ҳамда мураккаб операция муваффақиятли ўтди.

Хозир Хосе Мария Лопес ўзини ўзга одамлар каби эркин сезади.

## МАШИНАНИ КЎЗИ БИЛАН ТЎХТАТАДИ

Жанубий Африкадаги шаҳарларнинг бирида йўл ҳаракатини айрича ҳосияти бор негр-полициячи кузатади. У турган йўл муолишидан ўта тезлик билан ёки қизил чироққа қарамадан ўтиб кетиш мумкин эмас. Агар шошилинч билан йўл қоидасини бузсангиз, ўша полициячи сизга «ёмон» кўзи билан қараса бўлди, машинангизнинг овози ўчиб, шу ернинг ўзида ўз-ўзидан ўчиб қолади. Текширишдан маълум бўлишича, полициячининг ҳалигидай кўз қарашидан машина бақидидаги ёниги мойнинг ранги ва ҳиди йўқолиб, ёниш қобилиятини йўқотиб қолиши кузатилади.

«Мен — улғу шаманнинг набирасиман. Менинг отам ҳам вақтида бир неча омад ичида винони сиркага айлантириб юборадиган хосияти билан машҳур бўлган» — деди у ўзича мамнунлик билан.

**Қидирбой ТЎЛАБОВ** тайёрлади.

## Хандалар

### ТАНҚИДЧИ

Концертга кечикиб келган танқидчи орқасида ўтирган эркакка ўғирилди ва сахнадаги ижрочи аёлни танқид қилиб деди:  
— Қандай хунук овоз, ким бу, биласизми?  
— Ҳа, — у менинг хотиним.

— Кечирасиз, албатта нуқсон, унинг овозида эмас, ҳамма гап ижро этаётган кўшиқда. Мен хайронман, ким бундай ёмон кўшиқни ёзган экан?  
— Мен, — деди ёнидаги эркак.

### ЁШЛАР УЧУН НАМУНА

Поездда йўловчилар кам эди. Ёши каттароқ жентельмен бир аёл ёнида ўтириб кетарди. Секин-аста улар гаплашишни бошлашди.  
— Оилангиз борми, хоним?  
— Ҳа, сэр. Бир ўғил.  
— Ўғлингиз кўп чекадимми?  
— Йўқ. У сигаретга ҳатто қарамайди.

— Мен бундан жуда хурсандман. Айтишадими, тамаки ёшлар учун жуда зарарли. Ўғлингиз бирор клубга борадими?  
— Йўқ, бормайди.  
— У уйга кеч келади?  
— Ҳеч қачон. У доим кечкурунги оқватдан сўнг ухлайди.

— Ундай бўлса, у ёшлар учун намуна бўладиган инсон экан. Сиз бахтли аёл экансиз. Хоним, ўғлингиз неча ёшда?  
— У бугун тўрт ойлик бўлади.

**Инглизчадан Юлдузхон ҒИЁСОВА таржимаси.**

## Шарқ дурдоналари

# ОЗ-ОЗ ЎЛТАНИШ ДОМО БЎЛУҲ...

◆ Болалар, тиришқоқ бўлинг! Зеро, дунёдаги барча тирик нарсалар ҳаракат қилади, интилади ва шу туфайли ҳаётга зарур бўлган нарсаларга етишади. Ҳатто энг заиф бўлган арилар, чумолилар ва қушлар ҳам интилишда бўлиб, ёздан ташқари, қиш ғамини ҳам ейдилар.

Сўзнинг қисқаси, ҳар бир тирик жон яшаш учун ҳаракатда ва интилишдадир. Ўргимчакка назар солинг, у тирикчилик дардида доимо тўқши билан овера, агар тўрнинг бирор ери бузилса дарҳол таъмир этиш ва тузатишга киришади.

Барча инсоннинг биринчи вазифаси — кишининг юриш-туриши ва яшаш учун зарур бўлган ҳалол ризқ топиб, ейиш-ичишга етарли нарса ҳосил қилиш. Бунга эса тиришқоқлик ва интилиш орқали етилади.

◆ Меваги дарахт аввал баҳордан гунча тугиб, гуллаши билан латофатга кўмилади. Кейин эса мева етказиб бериши билан ўз камолотини намойиш этади. Шунинг учун одамлар мевали дарахтни ўз фарзандларидек тарбиялаб, боғларига экадилар, сув берадилар, яхши ўсиши учун чора кўрадилар.

Мевасиз дарахт эса жоҳил ва йодон одамларга ўхшайди. Мева қилмагани учун эътибордан четда қолади, охири уни қўпориб, ўтин қилиб ёқдилар. Булардан хулоса чиқарган ақлли кишилар мевали дарахт қабил оёру ва эътибор қозониш учун илму маърифат мевасини етиштиришга жон-жаҳллари билан уринадилар.

◆ Ғам-қайғу инсон саломатлигига путур етказувчи нарсалардан биридир. Ғам ва қайғунинг йўқотадиган бирдан-бир чора одамга тасалли берадиган нарсалар билан шугулланишдир.

Ҳаёт тақозоси билан инсон гоҳ шодланса, гоҳ хафа бўлиб туради. Шунинг учун ҳар бир киши шодлик айёмида ортиқча фахрланмаслиги, ғам келганда зиёда куймаслиги керак.

### МУСТАҒО ҲОМИЙПОШШО.

◆ Ҳар бир инсон уч нарсага уч кўз билан назар солиши лозим: одамларга такаббурлик кўзи билан эмас, камтарлик кўзи билан, ҳалолдан бойиган кишиларга ҳасад кўзи билан эмас, ибрат кўзи билан, хотин-қизларга шаҳват кўзи билан эмас, шафқат кўзи билан.

◆ Нодон одам олим кишининг қадрини билмаса, бунинг ажабланишли жойи йўқ.

◆ Фойда бермайдиган ишни қилма, хотинингнинг чиройи билан керилма, пулинг кўп бўлса-да, унга ишонма.

◆ Нафсинг истагига рози бўлмасанг уни енга-сан, бўлмаса у сени енгади.

◆ Ақл инсон учун энг олий неъматлардан биридир. Ақл билан нарсаларнинг сир-асрорлари ўрганилади, илм ва маърифат эгалланади, касб ҳосил қилинади.

Бир ҳаким айтади: «Ақл — юрак ичидаги нур, бу нур билан ҳақ ёки ноҳақ билиб олинади». Бошқа ҳаким айтади: «Ақл ўз соҳибини дунё маломатларидан қутқаради». Яна бир ҳаким айтади: «Ақл — жоннинг ҳаёти, жон эса жасаднинг ҳаёти!». Бир ҳаким айтади: «Кишининг нафси ақлидан устун бўлса ундай одамнинг ҳайвондан фарқи йўқ!».

◆ Энг яхши нарсалардан бири — олис йўлга чиққанда муносиб дўст билан қурилган сулҳатдир. Ёқимли дўст суҳбати олис йўлни яқин қилади.

### Абулқодир Нурий аз-БАРЗАНЖИЙ.

◆ **Тўрт нарса борки, эй авлоди пок, Барча элни айлағи қалбини чок. Тўрттадан аввалгиси бўлмай ҳасад, Ундан ўтсанг худбинлик то абад. Жаҳлини инга ютолмаслик бири, Эй ўғил, келим яқин бу тўрттага, Олмасин сени бу феъллар ўртага. Кийнадин кечгилу зардек пок бўл, Хокка айланмай элинга хок бўл!**

### Фариддин АТТОР.

◆ Касал бутунлай соғайиб кетмаса, ичмоқ ва емоқнинг лаззатини билмайди. Оғир юк елкадан тушмагунча, киши енгил нафас олмайди. Ошиқ маъшукнинг висолига етмагунча, тинчимади. Мусофир манзилига етмагунча, изтиробчи қаймайди. Киши хавфли душмандан қутулмагунча, қарор топмайди. Байт:

**Ҳар кимса душмандан қутулган замон, Ўзини сезади шоду ҳам омон.**

◆ Икки нарса юз беришидан аввал яхшидир. Биринчи — ҳовуз ва чашма суви денгизга қўшилишдан аввал. У денгизга қўшилди, демак, ундан озодлик ва покзаллик кетади. Иккинчи, қариндош-уруғлар билан мурося ва дўстлар билан ўзаро муҳаббат орага фитна солувчилар ва қақимчилар тушмасидан туриб яхшидир.

### «Мебоод дид»дан.

◆ ҲИҚМАТ. Кишидаги яхши фазилатларни йўқотиб, ёмон хислатларни юзга чиқарадиган нарса — манманлик ва бахилликдир.

◆ Икки хил инсон ҳеч қачон тўймади. Бири — илм толиби идмга, иккинчиси — бойлик толиби бойликка.

**Абулбарқот ҚОДИРИЙ.**  
Форс, араб, турк тилларидан  
Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

